

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.К/Т.04.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

АДИЗОВА НАРГИЗА ЗАМИРОВНА

**БУХОРО-ХИВА ЧЎЛ ҲУДУДЛАРИ КЎЧМА ҚУМ ВА
ТУПРОҚЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН САМАРАЛИ
КОМПОЗИЦИЯЛАР ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА ҚЎЛЛАШ**

**11.00.05-Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш
ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Адизова Наргиза Замировна

Бухоро-Хива чўл худудлари кўчма кум ва тупроқларини
муштаҳкамлаш учун самарали композициялар ишлаб чиқиш ва
кўллаш..... 3

Адизова Наргиза Замировна

Разработка и применение эффективных композиций для закрепления
подвижных песков и почвогрунтов пустынь Бухара-Хивинского
региона..... 21

Adizova Nargiza Zamirovna

Development and application of effective compositions for fixing mobile
sands and soils of the deserts of the Bukhara-Khiva region..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.К/Т.04.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

АДИЗОВА НАРГИЗА ЗАМИРОВНА

**БУХОРО-ХИВА ЧЎЛ ҲУДУДЛАРИ КЎЧМА ҚУМ ВА
ТУПРОҚЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН САМАРАЛИ
КОМПОЗИЦИЯЛАР ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА ҚЎЛЛАШ**

**11.00.05-Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш
ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/К167 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация ЎзР ФА Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз(резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифада www.tkti.uz манзилига ҳамда «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Қуддасева Шахноза Абдулазизовна кимё фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	Қудматов Рашид Анорович кимё фанлари доктори, профессор Салиханова Дилноза Саидакбаровна техника фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети

Диссертация химояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.К/Т.04.02-рақамли Илмий кенгашнинг «14» сентябр 2021 йил соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 32. Тел: (+99871) 244-79-20, Факс (+99871) 244-79-17. e-mail: info@tkti.uz).

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институтининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (№1106 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 32. Тел: (+99871) 244-79-20).

Диссертация автореферати 2021 йил 30 август куни тарқатилди.
(2021 йил « 30 » 08 даги № 6 рақамли реестр баённомаси)



Х.Л. Пулатов
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ф.Б. Игитов
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш аъзоси, PhD, доцент

Р.С. Сайфулдинов
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бутун дунёда hozirgi кунда, жумладан Марказий Осиё давлатларида тупроқ унумдорлигининг пасайиб кетиши натижасида шўрланиш ва чўлланиш каби экологик муаммолар вужудга келмоқда. Бунинг оқибатида шамол таъсирида чўл ҳудудларидаги темир йўл ва автомобиль йулларининг кўчма тупроқ-қум зарралари билан қопланиши аҳолининг транспорт воситаларидан фойдаланиш имкониятини чегаралаб қўймоқда. Шу сабабли, кўчма тупроқ (КТ) ва қумларнинг (КҚ) юза қисмида кимёвий мелиоратив усул билан сўнгра фитомелиорация йўли билан шамол эрозиясидан ҳимоя қилувчи мустаҳкам структура ҳосил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда чўл ҳудудлари кўчма қумларини механик, биологик, кимёвий мустаҳкамлаш учун кўчма қумларни кимёвий мелиорация қилишда, уларнинг юза қисмида структура ҳосил қилувчи, сув ва шамол эрозиясига бардош бера оладиган мустаҳкамловчи-реагентлар композициясини яратиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, катта майдон учун юза мустаҳкам структура ҳосил қилувчи, топилиши осон сувда эрийдиган сирт фаол моддаларни танлашни; бунда маҳаллий саноат чиқиндилари асосида реагентлар композициясидан фойдаланишни; кўчма тупроқ ва қумларни мустаҳкамлаш параметрларига мос равишда танланган мустаҳкамловчи реагентлар композициясини қўллаш технологиясини ишлаб чиқишни асослаш зарур.

Республикамизда чўл ҳудудлари кўчма тупроқ ва қумларини мустаҳкамлаш борасида, жумладан, сувда эрувчан полимерлар, сирт фаол моддалар, реагентлар ишлаб чиқиш бўйича маълум илмий-амалий натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда кўзда тутилган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи ва тўртинчи йўналишларида «...одамлар яшашининг экологик хавфсизлигини таъминлаш, маиший чиқиндиларни қайта ишлаш комплексларини қуриш ва модернизация қилиш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш...»¹га қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан, маҳаллий гилмоялар, саноат чиқиндилари асосида механо-кимёвий диспергатор усулида кўчма қумларни мустаҳкамловчи қўшилмалар композициясини яратиш ва уларни қулай усулларда фойдаланиш технологияларини ишлаб чиқиш муҳим иқтисодий ва экологик аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони, 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3236-сон «2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури» тўғрисидаги

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

Қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 24 декабрдаги № 363-сонли «Орол денгизи бўйидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича халқаро ҳамкорлик тараққиёти» тўғрисидаги қарорида, шунингдек мазкур соҳада қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Табиатни муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сирт фаол моддалар, полиэлектролитлар, гидрогеллар, поликомплекслар иштирокида кўчма кумларда структура ҳосил қилиш ва қўллаш бўйича илмий изланишларни К.С. Ахмедов Э.А. Арипов, Ф.Л. Глекель, С.С. Хамраев, А.А. Агзамходжаев, У.К. Ахмедов, С.З. Муминов, Б.Н. Хамидов, Г.Р. Нарметова, С.А. Абдурахимов, Ш.А. Кулдашева, И.Д. Эшметов, О.К. Бейсенбаев, Б.Н. Нуриев ва бошқалар унинг ривожланиши учун салмоқли ҳисса қўшганлар.

Юқори дисперсли зарралар (лой, кум ва бошқалар) учун кимёвий мустаҳкамловчиларни (сувда эрувчан электролитлар, СФМ, полимерлар) ишлаб чиқиш ва кимёвий мустаҳкамлаш усуллари таклиф қилинган.

Сўнги йилларда кўчма тузли тупроқ-кум дисперсларини саноат чиқиндилари асосида яратилган мустаҳкамловчи реагент қўшилмалар ва улар композициялари ёрдамида структурланган мустаҳкам юза ҳосил қилиш ва уларнинг мустаҳкамланиш механизмлари бўйича тадқиқотлар олиб боришга кўпроқ эътибор қаратилмоқда.

Албатта мавжуд усуллар орқали ишлатиладиган мустаҳкамловчи қўшилмаларнинг нархлари бир мунча қиммат, уларнинг сувли эритмаларини тайёрлаш мушкул ва топилиши қийин. Шу сабабли, кўчма тузли тупроқ-кум дисперсияларини мустаҳкамлаш хусусиятига эга бўлган самарали комплекс қўшилмаларни саноат чиқиндилари асосида танлаш ва уларни юза мустаҳкамлиги, сув бардошлиги каби коллоид кимёвий хусусиятларини, мустаҳкамлаш қонуниятларини аниқлаш, чўл ҳудудларига мослашган ўсимлик уруғларини экиб ундириш имкониятини кузатиш, МКД (механо-кимёвий деспергация) усулидан фойдаланиб мустаҳкамловчи комплекс қўшилмаларни қўллаш технологиясини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий вазифа бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №А-ФА-2019-37 «Қўнғирот сода заводи чиқиндилари асосида кум ва тузли тупроқлар бўронларини олдини олувчи янги авлод реагентларини яратиш» (2019-2021й.й.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Бухоро-Хива чўл ҳудуди автомобил йўллари кўчма тупроқ ва қумларини мустаҳкамлаш учун самарали композицияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Бухоро-Хива автомобил йўллари кўчма тупроқ ва қумларининг минералогик, кимёвий, тузли ва гранулометриқ таркибини ўрганиш;

маҳаллий гил минераллари, ёғ-мой ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқларининг чиқиндиларидан фойдаланган ҳолда кўчма тупроқ ва қумларнинг таркиби ва хусусиятларига қараб мустаҳкамловчилар таркибини ишлаб чиқиш;

ишлаб чиқилган мустаҳкамловчи таркибдан фойдаланиб кўчма тупроқ ва қум юзаларида мустаҳкам структура ҳосил бўлишини ўрганиш;

маҳаллий гил минераллари ва саноат чиқиндилари асосида олинган мустаҳкамловчи композицияларининг механик-кимёвий диспергаторга таъсирини ўрганиш;

мустаҳкамловчи таркибни олиш учун оптимал шароитларни танлаш ва уни Бухоро-Хива минтақасининг кўчма тупроқлари ва қумларида қўллаш;

механик-кимёвий диспергатор ёрдамида маҳаллий гил минераллари ва саноат чиқиндиларига асосланган тупроқ ва қумларни мустаҳкамловчи таркибни ва улардан фойдаланиш технологиясини ишлаб чиқиш;

Бухоро-Хива минтақасида кўчма тупроқ ва қумларнинг юзасида мустаҳкам структура ҳосил қилиш йўли билан экологик вазиятни яхшилаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

Бухоро-Хива автомобиль йўллари тупроқ ва қумларини мустаҳкамлашда ишлаб чиқилган композицияларни жорий этишнинг техник ва иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бухоро-Хива чўл ҳудудлари кўчма тупроқ ва қумлари, маҳаллий гил минераллари ва саноат чиқиндилари асосида олинган мустаҳкамловчи композициялар олинган.

Тадқиқотнинг предметини кўчма тупроқ-қумларни маҳаллий гил минераллари, госсипол ва кальций таркибли саноат чиқиндилари ва дисперс зарраларни майдалаш учун механик-кимёвий диспергатор усулида мустаҳкамлаш жараёни ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда кўчма тупроқ ва қумларда мустаҳкам структура ҳосил бўлишини таҳлил қилишда физик, коллоид-кимёвий, адсорбцион, микроскопик, гранулометриқ, калорометрик ва седиментацион усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Бухоро-Хива автомобил йўллари кўчма тупроқ ва қумларининг минералогик, кимёвий, тузли ва гранулометриқ таркиби аниқланган;

маҳаллий гил минераллари, кўчма қумларни мустаҳкамлаш параметрларига мос келувчи саноати чиқиндиларидан фойдаланган ҳолда кўчма тупроқ ва қумларнинг таркиби ва хусусиятларига қараб мустаҳкамловчи таркиб ишлаб чиқилган;

кўчма қумларни мустаҳкамлаш учун ишлаб чиқилган композициялар ёрдамида мустаҳкамлиги 2,2-2,9 МПа ва сувга чидамли агрегатлар миқдори 72-85% бўлганида фитомелиорация жараёнининг энг мақбул шароитлари асослаган;

маҳаллий гил минераллари ва саноат чиқиндилари асосида олинган мустаҳкамловчи композицияларни яратишда механик-кимёвий диспергациянинг аҳамияти аниқланган;

мустаҳкамловчи комплекс таркибни олиш ва улардан Бухоро-Хива чўл ҳудудлари автомобиль йўллари кўчма тупроқ ва қумларида қўллаш учун мақбул шароитлари аниқланган;

NaCl+CaCl₂(CaO+MgO)+госсипол қатрони+полимер тизимининг кўчма тупроқ ва қумларнинг мустаҳкамлик тавсифини оширишининг синергик самарадорлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кўчма тупроқ ва қумларни мустаҳкамлаш жараёнининг белгиланган қонуниятлари асосида қаттиқ дисперсли зарраларни механик-кимёвий диспергация (МКД) ёрдамида майдалашнинг ноанъанавий усули ёрдамида рационал технология ишлаб чиқилган;

госсипол қатрони, маҳаллий гил минераллари (бентонитлар ва бошқалар), шунингдек саноат чиқиндилари ёрдамида олинган тупроқ ва қум дисперсларини мустаҳкамловчи композицияларнинг таркиби яратилган;

МКД ёрдамида кўчма тупроқ ва қумларни мустаҳкамлашнинг икки босқичли технологияси ишлаб чиқилган;

олинган тадқиқотнинг назарий ва амалий натижалари асосида яратилган тупроқ ва қумларни мустаҳкамловчи композициялардан фойдаланган ҳолда Бухоро-Хива чўл ҳудудлари экологик вазиятни яхшилаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Кўчма тупроқ ва қумларни мустаҳкамлаш учун ишлаб чиқилган композициялари лаборатория тадқиқотлари натижалари, ишлаб чиқариш синовлари натижалари ва адабиёт маълумотлари таққосланди. Таҳлилнинг экспериментал натижаларини статистик қайта ишлаш уларнинг хатолик даражаси ва ишончилигини баҳолашга имкон берди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти турли таркибли мустаҳкам структура ҳосил қилувчи композицион мустаҳкамловчиларни ишлаб чиқишда кўчма тупроқ ва қумларни мустаҳкамлаш параметрлари, уларнинг коллоид кимёвий ва адсорбцион кўрсаткичлари мустаҳкам структуранинг ташқи омил (шамол, қуёш иссиқлиги, ёғингарчилик ва ҳ.к.) таъсирига бардош бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти гил минераллари, кўчма қумларни мустаҳкамлаш параметрларига мос келувчи саноат чиқиндилари (таркибида кальций, натрий ионларини сақловчи, госсипол ҳосиллали ва ҳ.к.) асосида арзон ва самарали турли таркибли композицион мустаҳкамловчи

олиш ва чўл ҳудудларида кўллаб кўчма кум дисперсларининг шамол, сув эрозиясига чидамлилигини ошириш билан бир қаторда мавжуд экологик муаммони бартараф этиш имконини беради, шунингдек, диссертациянинг илмий ва амалий натижаларидан республиканинг ТКТИ, ТДТУ, ТерДУ ва бошқа, шунингдек атроф муҳитни муҳофаза қилиш мутахассисларига ўқув жараёнига кўллашда хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқ этилиши. Бухоро-Хива чўл ҳудудлари автомобиль йўллари кўчма тупроқ ва кумларини мустаҳкамлаш учун самарали композицияларни ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

маҳаллий гил минераллари, сирт фаол моддалар (СФМ), ёғ ва мойни қайта ишлаш саноати чиқиндилари асосида тайёрланган мустаҳкамловчи композиция олиш ва кўллаш технологияси Бухоро вилояти экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш кўмитасида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг 2021 йил 2 августдаги 04-02/8-2380-сон маълумотномаси). Натижада, Бухоро-Хива чўл ҳудудлари кўчма кум ва тупроқларини учувчанлигини камайтириш, шамолга, сувга чидамлилигини ошириш каби экологик муаммони бартараф этиш имконини берган;

кўчма кумли тупроқларда мустаҳкам структура ҳосил бўлишида фитомелиорация (ўсимлик ўстириш) жараёнини амалга ошириш технологияси Бухоро вилояти экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш кўмитасида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг 2021 йил 2 августдаги 04-02/8-2380-сон маълумотномаси). Натижада, аҳолининг чўл ҳудудлари автомобил йўлларида фойдаланиш шараоити, шунингдек йўл четида чўлга чидамли ўсимликларнинг зич унишига имкон берган.

Кўчма кумларда мустаҳкамловчи қўшилмалар композициясининг адсорбция механизми ва кинетик тавсифлари №А-ФА-2019-37 рақамли «Кўнғирот сода заводи чиқиндилари асосида кум ва тузли тупроқлар бўронларини олдини олувчи янги авлод реагентларини яратиш» мавзусидаги амалий лойиҳада турли чўл ҳудуди кўчма кум дисперсларида мустаҳкам структура ҳосил бўлишини қиёсий таҳлил қилишда фойдаланилган (ЎЗР ФАнинг 2021 йил 2 июндаги №4/1255-1612-сонли маълумотномаси). Натижада, кўчма тупроқ кумларни мустаҳкамлашда уларнинг физик-кимёвий, гранулометрик ва адсорбцион хоссаларини ўрганиш мустаҳкамловчи композиция танлаш ва уларнинг ўзгариш қонуниятларини аниқлаш усулларини такомиллаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 13 халқаро ва 9 республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, 6 та илмий мақола, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси

томонидан диссертацияларнинг (PhD) асосий натижаларини нашр этиш тавсия этилган журналларда 3 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, ҳулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 108 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги, тадқиқот мақсади ва вазифалари, тадқиқот объектлари ва предмети ифодаланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти баён қилинган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш ҳамда чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **"Чўл ҳудудларида кўчма тупроқ ва қумларини мустаҳкамлашнинг экологик муаммолар ва уларни мустаҳкамлаш йўллари"** деб номланган биринчи бобида Бухоро-Хива минтақасидаги кўчма тупроқ ва қумларининг таркиби ва хоссалари, турли мустаҳкамловчилардан фойдаланган ҳолда кўчма тупроқ ва қумларнинг тузилиши, уларни кимёвий мелиорация қилишнинг истиқболли усуллари бўйича адабиётлар таҳлил қилинган.

Ушбу йўналиш бўйича нашр этилган ишларни таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, экспериментал тадқиқотлар ўтказиш, мавжуд ва арзон реагентлар ёрдамида чўл ҳудудлари автомобиль йўллари кўчма тупроқ ва қумларини бириктириш билан боғлиқ янги техник ва экологик ечимларни топиш ва ишлаб чиқиш зарур бўлган вазифалар шакллантирилган.

Диссертациянинг **"Тадқиқотларнинг бажарилиш техникаси ва мустаҳкамловчи реактивларни таҳлил қилиш усуллари"** деб номланган иккинчи бобида тажриба намуналарини физик-кимёвий тадқиқ қилишнинг замонавий усуллари, технологик хусусиятлари, намуналар таркиби ва уларни ўрганишда ишлатиладиган усуллар, шунингдек Бухоро-Хива чўл ҳудудида фойдаланилмайдиган катта ер майдонлари кўчма тупроқ ва қумларини мустаҳкамлаш параметрларини ўрганиш учун керакли жиҳозлар баён этилган.


Гил кукунлари ва уларнинг сувли суспензияларини таҳлил қилишнинг у ёки бу усулини танлаш кўчма тупроқ ва қумларнинг минералогик, гранулометрик (дисперс) таркиби ва физик-кимёвий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилди. Хусусан, амалдаги стандартлар ва адабиёт манбаларини таҳлил қилиш асосида турли хил кимёвий реагентлар ва саноат чиқиндиларини кўшиб гиллар, қумлар ва уларнинг суспензияларини таҳлил қилишнинг зарур усуллари танланди. Бухоро-Хива минтақаси ва унга яқин ҳудудларда мавжуд бўлган хом ашёни ўрганиш, ишлаб чиқарилган кўчма

тупроқ ва қумларни мустаҳкамловчилар учун зарур композициялар танланган; МКД (Механо-кимёвий диспергатор) ротори ва статори орасидаги бўшлиқнинг ҳар хил тезлик ва ўлчамларида ишлайдиган кўчма тупроқ ва қумларни мустаҳкамловчи композиция таркибидаги қаттиқ зарраларнинг механик-кимёвий диспергацияси учун лаборатория қурилмаси такомиллаштирилди ва ўрнатилди; кўчма тупроқ ва қумларда мустаҳкам структура ҳосил қилувчи мустаҳкамловчи-композицияларнинг ўлчов хатоликларини баҳолаш учун уларнинг экспериментал натижаларини статистик қайта ишлаш усуллари танланган.


Диссертациянинг **"Бухоро-Хива чўл ҳудудлари кўчма қумли тупроқларини мустаҳкамлаш жараёнини ўрганиш"** деб номланган учинчи бобда кўчма тупроқ ва қум юзасида мустаҳкам қатлам ҳосил қилувчи композиция танланди ва кўчма қумларнинг адсорбцион изотермалари натижалари келтирилган. Шунингдек, Бухоро-Хива чўл ҳудуди кўчма тупроқ ва қум таркибларининг ўзига хос хусусиятлари, уларни мустаҳкамлаш учун гил суспензиялари таркибини яратишда реагентлар ва саноат чиқиндилари асосида танланган композициянинг кўчма тупроқ ва қумларни мустаҳкамлашнинг асосий кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш ва уларнинг бирикишида асосан госсипол ҳосилаларининг ҳамда нефть шламнинг (НШ) таъсири ва ролини ўрганиш, баҳолаш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган.

Чўл ҳудудлари кўчма тупроқ ва қумларини мустаҳкамлаш муаммоларини ҳал қилишда уларнинг адсорбцион хусусиятларини ҳисобга олиш, бу уларнинг юзасида ҳосил бўлган қобиқларнинг (плёнкаларнинг) механик мустаҳкамлигига таъсир қилиши аниқланди. Шунинг учун Бухоро-Хива чўл ҳудуди КТ (кўчма тупроқ) ва КҚ (кўчма қум)да самарали мустаҳкам структура ҳосил қилувчи композиция танлашда уларнинг адсорбцион хусусиятларини ўрганиш аҳамиятлидир.

1-расмда Орол кўчма қумларининг сув бўйича адсорбцияси бир хил характерга ва энг юқори қийматга эга. Шу билан бирга, Бухоро кўчма қумида сув нисбатан кўпроқ адсорбцияланиши кузатилди (1-расм, 2-эгри чизик). Миқдор жиҳатдан Хоразм қумидаги адсорбцияланган сув миқдори энг кам қийматга эга (1-расм, 1-эгри чизик).



1-расм. Орол кўчма қумлари ва Бухоро-Хива чўл ҳудуди кўчма қумларига сув адсорбцияси изотермалари: 1-Хоразм; 2-Бухоро ва 3-Оролбўйи



2-расм. Бухоро-Хива чўл ҳудуди кўчма тупроқ (1) ва қумларида (2) сувни ютилишининг кинетик хусусиятлари

Кўчма тупроқ ва қумларда сувни сингишининг кинетик хусусиятлари турли табиий минералларининг тўйиниш жараёнлари қонуниятларини кўрсатади ва уларни мустаҳкамлаш ва барқарорлаштириш учун маълум вақтни аниқлаш имконини беради.

Бухоро-Хива чўл ҳудуди кўчма тупроқ ва қумларининг сувни ютиш кинетик хусусиятлари 2-расмда кўрсатилган. Бундан кўриш мумкинки, Бухоро-Хива кўчма қумлари сувни кўчма тупроқларга қараганда тезроқ сингдиради. Бу композициялар суспензиясини ишлаб чиқариш ва уларни мустаҳкамлаш режимларини танлашда ҳисобга олинади.

Бухоро-Хива кўчма тупроқларида сув буғи адсорбциясининг изотермалари сув буғи адсорбцияси кўтарилиши ва тушиши пайтида олинган қонуниятлар асосида адсорбция жараёнининг механизмини аниқлашга имкон беради.

1-жадвал

Орол денгизи кўчма қумлари (солиштириш учун) ва Бухоро-Хива чўл ҳудуди кўчма қумларининг сув буғи адсорбцияси бўйича структуравий-сорбцион кўрсаткичлари

Кўчма қум намунаси	Монокатлам ҳажми, (a_m), моль/кг	Тўйиниш адсорбцияси (a_s), моль/кг	Солиштира юзаси, ($S \cdot 10^3$), м ² /кг	Ғовакларнинг умумий ҳажми, м ³ /кг	Ўртача радиус, (r_{cp}), Å
Орол бўйи	0,3	1,1	19,2	0,020	20,8
Бухоро	0,24	0,84	14,7	0,017	23,0
Хоразм	0,21	0,78	12,9	0,015	23,5

Орол денгизи кўчма қумлари ва Бухоро-Хива чўл ҳудуди кўчма қумларининг сув буғи адсорбция натижалари 1-жадвалда келтирилган. Бунда Бухоро-Хива чўл ҳудуди кўчма тупроқ ва қумларининг монокатлавлар ҳажми сув буғи адсорбцияси Орол кўчма қумлариникига қараганда камроқ, бу ҳолат адсорбция тўйинганлик кўрсаткичларида (a_s) да ҳам такрорланади. Бухоро ва Хива чўл ҳудудлари кўчма қумларининг сирт юзаси Орол кўчма қумларида (19,2 м²/кг) 5-8 м²/кг га кам. Ва, аксинча, уларнинг ўртача радиуси Орол кўчма қумларидан 3-3,5 Å га катта. Бухоро-Хива чўл ҳудуди кўчма қумларнинг умумий ғоваклар ҳажми Орол кўчма қумларидан 0,003-0,005 м³/кг га кам (0,02 м³/кг) лигини кўриш мумкин.

Шундай қилиб, олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Бухоро-Хива минтақаси кўчма қумларининг адсорбцион хусусиятларига кўра Орол денгизидан пастроқдир. Бу Бухоро-Хива минтақасининг ҳаракатланувчи қумлари учун мустаҳкамловчи композициялар таркибини танлашда ҳисобга олиниши керак.

Кўчма тупроқ ва қумларини мустаҳкамлаш учун кимёвий реагентлар ва саноат чиқиндилари турлари 2-жадвалда келтирилган.

Кўчма тупроқ ва қум мустаҳкамловчилари таркибини яратиш учун кимёвий реагентлар ва саноат чиқиндилари танлаб олинди, уларнинг асосида

50 дан ортиқ композициялар олиш мумкин. Бундай катта миқдордаги мустаҳкамловчилар таркибини лабораторияда ҳам, далада ҳам ўрганишни қийинлаштиради. Шунини ҳисобга олиб, биз кимёвий реагентлар ва саноат чиқиндилари хоссаларининг ўхшашлиги, кўчма тупроқ ва қумнинг олинган таркиби миқдори асосида оптималлаштирдик.

2-жадвал

Кўчма тупроқ ва қумларини мустаҳкамлаш учун кимёвий реагентлар ва саноат чиқиндилари турлари

Мустаҳкамловчи композицияларининг талаб қилинадиган хусусиятлари	Мустаҳкамловчи таркибнинг хусусиятларини мос равишда ўзгартирадиган кимёвий реагентлар ва чиқиндилар турлари;	
	КТҚ	КҚ
- Қобик механик-кимёвий мустаҳкамлиги	ДБ, Na ₂ SiO ₃ , CaCl ₂ , Ca(OH) ₂	ДБ*, Na ₂ SiO ₃ , CaCl ₂ , Ca(OH) ₂
-қобикнинг сувга чидамлилиги	Na ₂ SiO ₃ , К-4, Унифлок, ГС, НШ	Na ₂ SiO ₃ , К-4, Унифлок, ГС, НШ
- мустаҳкам қобикнинг тузга чидамлилиги	Унифлок, К-4, гипан, КФС	Унифлок, К-4, гипан, КФС
-қобикнинг қуёш нурланишига чидамлилиги	CaCl ₂ , Na ₂ SiO ₃ , Ca(OH) ₂	CaCl ₂ , Na ₂ SiO ₃ , Ca(OH) ₂
- органик ўғитли сирт қатлами	ОЎ	ОЎ
- фитомелиорация	Чўлга мослашган ўсимликларнинг уруғлари	Чўлга мослашган ўсимликларнинг уруғлари

Изоҳ: ЖБ - дисперсланган ишқорий бентонит; ЖБ * - дисперсланган ишқорий ер бентонити; Гипан – А маркаси; Гипан* - Б маркаси; КФС - КФ-МТ-15 маркаси; КФС * - маркаси КФ-Ж.

Кўчма тупроқ ва қумларни мустаҳкамловчи композиция таркибини танлашда кимёвий реагентлар ва саноат чиқиндиларидан фойдаланилганлигини 2-жадвалдан кўриш мумкин. Бундан ташқари, кўчма қумларни мустаҳкамлашда, индивидуал реагентлар истеъмоли кўчма тупроқни мустаҳкамланишига нисбатан 50% гача кўтарилади.


Кимёвий реагентлар ва саноат чиқиндилари асосида танланган мустаҳкамловчи композициялар таркиби 3-жадвалда келтирилган бўлиб, энг юқори натижалар КТҚда №2-таркибли намуна ва КҚда №6 таркибли композиция, энг паст натижа эса кўчма тупроқ учун №1-таркибли намуна ва кўчма қум учун №5 таркибли композициялар аниқланди.

Адабиёт манбаларидан чўл ҳудуди ўсимликлари уруғларининг униб чўкиши учун кўчма тупроқ ва қум учун мустаҳкам қобикнинг механик мустаҳкамлиги 3,0-3,5 МПа дан ошмаслиги аниқланган, ундан юқориси эса унишини қийинлаштиради ва мустаҳкам структурадаги ёриқлар ёки каналларга кира олмайди.


**Кимёвий реагентлар ва саноат чиқиндилари асосида танланган
муштаҳкамловчи композициялар таркиби**

Муштаҳкамловчи композициялар тартиби	Кўчма тупроқ ва қумларни муштаҳкамловчи композиция таркибини тайёрлашда ишлатиладиган кимёвий реагентлар, %				Кўчма тупроқ ва қумларни муштаҳкамловчи композиция таркибини тайёрлашда ишлатиладиган саноат чиқиндилари, %				H ₂ O, %*	
	ДБ	Ca(OH) ₂	Na ₂ SiO ₃	Унифлок	ОУ	CaCl ₂	ГС	НШ		
Кўчма тупроқ учун муштаҳкамловчи таркиби:										
1	10	1,0	0,3	0,5	5,0	-				ост.
2	10	-	0,3	0,5	5,0	0,5	0,5			ост.
3	10	1,0	0,3	0,5	5,0	-		1,0		ост.
4	10	-	0,3	0,5	5,0	0,5				ост.
Кўчма қум учун муштаҳкамловчи таркиби:										
5	15	-	0,5	0,75	7,5	1,0				ост.
6	15	2,0	0,5	0,75	7,5	-	0,75			ост.
7	15	-	0,5	0,75	7,5	1,0		1,5		ост.
8	15	2,0	0,5	0,75	7,5	-				ост.

Изоҳ: * - муштаҳкамловчи композиция таркибини ҳисоблаш умумий 100% миқдорида амалга оширилди.



3-расм. Ҳосил бўлган мустаҳкам қобикнинг механик мустаҳкамлигига (ММ) композициялар таркибининг таъсири



4-расм. Ҳосил бўлган мустаҳкам қобикнинг сувга чидамлилигига композициялар таркибининг таъсири

3-расмдан шуни кўриш мумкинки, ҳосил бўлган мустаҳкам қобикнинг кўчма тупроқларда механик мустаҳкамлиги №2 таркибли композицияда ва кўчма қумларда №6 таркибли композициялар мақбул деб аниқланди. Шунингдек, кўчма тупроқ ва кўчма қумларда ҳосил бўлган мустаҳкам қобикнинг сувга чидамлилиги бўйича композициялар таркиби ўрганилди.


4-расмдан шуни кўриш мумкинки, энг яхши сувга чидамли мустаҳкам қобик кўчма тупроқ учун №2 таркибли композицияда ва кўчма қум учун №6-таркибли композицияларда ҳосил бўлган, ва энг ёмон кўрсаткич эса кўчма тупроқлар учун №3- таркибли композицияда ҳамда кўчма қумлар учун №7- таркибли композицияда келтирилган.

ГС қўшимчаларини ўз ичига олган мустаҳкамловчи композициянинг юқори сувга чидамлилиги унинг гидрофобик хусусиятлари ва сувга чидамли моддаларни ўз ичига олган кимёвий таркиби билан изоҳланади.


Натижада, мустаҳкамловчи композициянинг тупроқ ва қумларда ҳосил бўлган қобикларининг тузга барқарорлигини ўрганиш уларнинг хизмат муддатини узайтириш учун зарур ҳисобланади.

5-расмдан шуни кўриш мумкинки, кўчма тупроқ учун энг яхши шўрга чидамли қобик №1 таркибли композицияда, кўчма қум учун №5- таркибли композицияда ҳосил бўлади. Энг ёмон натижалар эса, кўчма тупроқ учун тузга чидамсиз қобиклар №3 таркибли композицияда ва кўчма қумлар учун №7 таркибли композицияда ҳосил бўлганлиги кузатилди. Шунинг таъкидлаш керакки, юқори шўрланишни таъминловчи композициялар фаол катион алмашинадиган бирикмалардир, бу уларни ишлаб чиқиладиган мустаҳкамловчиларга қўшимча сифатида фойдаланиш имконини беради.

6-расмдан шуни кўриш мумкинки, кўчма тупроқлар учун энг яхши иссиқликка чидамли қобиклар №2-таркибли композицияда ва кўчма қумлар учун №6-таркибли композицияда ҳосил бўлади. Энг паст натижалар қобиклар эса №4 таркибли композицияда ва кўчма қумлар учун № 8 таркибли композицияда аниқланди.



5-расм. Ҳосил бўлган мустаҳкам қобикнинг тузга чидамлилигига композициялар таркибининг таъсири



6-расм. Ҳосил бўлган мустаҳкам қобикнинг иссиқликка чидамлилигига композициялар таркибининг таъсири

Шундай қилиб, ўтказилган тадқиқотлар кўчма тупроқ ва қумларда мустаҳкам структура ҳосил қилган композицияларнинг роли уларнинг механик мустаҳкамлигини, шунингдек, сувга, тузга ва иссиқликка чидамлилигини баҳолаш имконини беради.

Диссертациянинг **"Бухоро-Хива чўл ҳудудлари кўчма қумлари ва тупроқларини мустаҳкамлаш учун самарали композицияларни ишлаб чиқиш ва қўллаш"** деб номланган тўртинчи бобида қуйидагилар баён этилган: МКД (механо-кимёвий диспергация) ёрдамида кўчма тупроқ ва қумларни мустаҳкамлаш учун такомиллаштирилган икки босқичли технологияни ишлаб чиқиш, Бухоро-Хива автомобиль йўлларида МКД дан фойдаланган ҳолда ҳаракатланадиган кўчма тупроқ ва қумларни бириктириш учун ишлаб чиқилган икки босқичли технологияларнинг тажриба-синови натижалари ҳамда Бухоро-Хива вилоятида ҳаракатланадиган тупроқ ва қумларни мустаҳкамлаш технологиясини такомиллаштириш бўйича экологик тавсиялар, МКД дан фойдаланган ҳолда кўчма тупроқ ва қумларни бириктириш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича кутилаётган иқтисодий самарадорлик.

Кўчма тупроқ ва қумларни мустаҳкамлашда амалиётда жараёнларни 2 босқичда амалга ошириш кўрсатилган: биринчи босқичда фитомелирацион шаклланади ва, иккинчи кимёвий мелирацион қатлами (қобик), яъни бу қатлам иссиқ иқлим шароитларида фитомелирация қатламига ҳимоя бўлиб хизмат қилади.

Айтиш жойизки, МКДдан кейин қобик кучининг янада кучайишини кузатиш мумкин, Бухоро-Хива чўл ҳудуди кўчма тупроқ ва қумларида фитомелиорацияни амалга ошириш асослигини кўриш мумкин. Шу билан бирга, 2 таркибли композициялар аралашмаси кўчма тупроқ структураси учун ва кўчма қумлар учун 4 таркибли композициялар аралашмаси энг мақбулдир.

Шунинг учун кўчма тупроқ ва қумларни мустаҳкамловчи 2 ва 4 таркибли композициялар аралашмаларини амалиётга жорий этиш учун

таклиф қиламиз, бу эса, Бухоро-Хива чўл ҳудудида фитомелиорация жараёнини олиб бориш экологик вазиятни яхшилайти.

Бухоро-Хива чўл ҳудуди кўчма тупроқ ва қумларини икки босқичли мустаҳкамлаш технологияси фитомелиорация қилиш имконини берганлиги 4-жадвалдан кўриш мумкин, шунингдек, уруғларнинг униб чиқиши №1 таркибли композициялар аралашмасида – 89%, №2 таркибли композиция– 92%, №3 таркибли композициялар аралашмасида – 83% ва №4 таркибли композициялар аралашмасида -87% ни ташкил этди. Бундан ташқари, №2 ва №4 таркибли композициялар аралашмасида бошқа аралашмаларга қараганда анча мақбулдир.

Юқоридаги олинган натижалардан кўриниб турибдики, Бухоро-Хива чўл ҳудуди кўчма тупроқ ва қумлари икки босқичли мустаҳкамлаш экологик вазиятни сезиларли даражада яхшилаш, чўл ўсимликларини етиштириш ва маҳаллий хомашё ресурслари ва чиқиндилардан фойдаланиш орқали химоя тузилмаларининг хизмат қилиш муддатини кўпайтириш имконини беради.

Шундай қилиб, ҳар бир қатлам кўчма тупроқ ва қумларни икки ва ундан кўп қатламли тузилмалар билан, шунингдек минерал-органик ўғит билан мустаҳкамлаш ва бойитиш учун муайян вазифаларни бажарадиган янада самарали химоя шаклланади.

4-жадвал

МХД дан олдин ва кейин кўчма тупроқ ва қумларни мустаҳкамлаш кўрсаткичларининг ўзгариши

Объект	компонентлар аралаш маси	Мустаҳкамлаш кўрсаткичлари					
		МҚД гача			МҚД дан кейин		
		Механик мустаҳкамлиги, МПа	сўвга чидамлили ги,%	рН	Механик мустаҳкамлиги, МПа	сўвга чидамлили ги,%	рН
ППГ	1	3,0	70	9,2	3,8	74	9,1
ППГ	2	2,2	72	8,7	2,6	78	8,8
ПП	3	3,2	90	9,0	3,5	92	9,1
ПП	4	2,9	85	8,8	3,1	87	8,7

3 ва 4 жадваллардаги натижалардан полимер боғланишнинг концентрация ошиши билан кобиқнинг мустаҳкамлигини ошишини кўриш мумкин, бу эса кўчма қумларда структура ҳосил бўлиш кинетикасининг ўзгариши билан боғлиқ. Шунингдек, мустаҳкамловчи композиция суспензиясини тайёрлашда қўшиладиган реагентларнинг кетма-кетлигида биринчи госсипол смоласининг қўшилиши аҳамиятли ҳисобланади. Бунда ишқорий ва ишқорий ер металлари катионлари эритмада таркибида поляр функционал группага эга бўлган юқори ёғ кислоталари ва кимёвий актив госсипол билан боғланади. Шунингдек, қарама қарши ионларнинг (ионлар Na^+ , Ca^{2+} , Mg^{2+}) қум зарралари юза қисмига миграция бўлиши ҳисобига госсипол смоласи ва ёғ кислоталарининг адсорбцион молекулалари билан комплекс бирикма ҳосил қилади. Бу эса $\text{NaCl} + \text{CaCl}_2$ ($\text{CaO} + \text{MgO}$) + госсипол қатрони+полимер тизимининг кўчма тупроқ ва қумларнинг мустаҳкамлик фаоллигини оширишининг синергик самарадорлигини намоён қилади.



а)



б)

7-расм. КҚ намунасининг электрон микроскопик тасвирлари:
а) мустаҳкамловчи композиция кўшилмаганда б) КҚ ларда 4 таркибли композиция кўшилгандаги кўриниши.

7-расмда келтирилган мустаҳкамловчи композициялар ёрдамида кўчма кумларни мустаҳкамлик қонуниятларини электрон микроскопик тасвирлар ҳам тасдиқлайди.

5-жадвал

Бухоро-Хива чўл ҳудуди кўчма тупроқ ва кумларини тавсия этилаётган икки қатламли мустаҳкамлашнинг экологик самарадорлиги

Экологик омиллар	Экологик самарадорлик кўрсаткичи	Ўлчовларнинг қиймати ва бирликлари
I. Атмосфера	-чанг дисперслари камаяди; -Кислород миқдори ошади.	18 дан 7% гача 3-5% га
II. Тупроқ	- тупроқ таркибида минерал-органик ўғитлар миқдори ортади; - қобикнинг механик кучи ортади; -қобикнинг қалинлиги ошади; - қобикнинг намликка қаршилиги ортади.	10 – 12 % га 3 – 5 МПа га 20 – 30 мм га 10 – 15 % га
III. Ўсимлик	- ўсимликларнинг ўсиш жадаллиги ошади - ўсимликларнинг зич ўсиши натижасида тупроқнинг мустаҳкамлиги ошади; - чўл ҳудуди ҚТҚ ва ҚҚларининг шамол ва қурғоқчиликка қаршилиги кучаяди.	1,2-1,4 марта 5 дан 10 гача 20-30% гача

5-жадвалдан кўриш мумкинки, атроф-муҳит самарадорлигини объектив баҳолаш учун атмосфера, тупроқ ва ўсимликларини ягона тизим сифатида ўрганадиган кенг қамровли ёндашувни қўллаш керак.

Ушбу ишнинг якуний хулосаси КҚ ва КТҚ ларни мустаҳкамлаш учун ишлаб чиқилган икки босқичли технологиянинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш ҳисобланади. Бунда, даслабки олинган натижалар тадқиқот олиб борилган ҳудудда жорий этилган натижалар кетма кетлиги бўлиб, аввалги маълум КҚ ва КТҚ ларни мустаҳкамлаш технологияси билан солиштирилган. Биз томонимиздан амалиётга жорий этиш учун ишлаб чиқилган технологиянинг иқтисодий самарадорлиги қуйидаги тенглама асосида ҳисобланди.

$$\mathcal{E} = [(C_1 - C_2) - E \cdot K] \cdot A; \quad (1)$$

Бу ерда: C_1 –маълум технология асосида олинган мустаҳкамловчининг тан нархи, минг. сўм/т; C_2 –таклиф этилаётган технология асосида олинган мустаҳкамловчининг тан нархи, минг. сўм/т; E – норматив коэффицент (тармоқлар учун); K – капитал харажат, минг сўм; A – мустаҳкамловчини ишлаб чиқаришнинг йиллик миқдори, т.

Юқоридаги тенглама асосида ҳисоблаш ёрдамида 1 тонна мустаҳкамловчи композиция ишлаб чиқаришни амалга оширилганлиги тўғрисидаги маълумотлар б-жадвалда келтирилган.

б-жадвал

1 тонна КҚ ва КТҚ ларни мустаҳкамловчини таклиф этилаётган икки босқичли ва мавжуд технологияда олишнинг ҳисоб китоби

Хом ашё номи	Бирл. ўлчамда	Маълум технология асосида	Таклиф этилаётган технология асосида
I. Хом ашё:	сўм		
Асканит-бентонит (Грузия)		80000	-
К-4 (К-6 ёки Унифлок)		10000	8000
Ca(OH) ₂ , CaCl ₂		6000	10000
Na ₂ SiO ₃ ·nH ₂ O		8000	4000
Мылонафт		70000	-
Органик чиқиндилар		-	2000
Навбахор бентонити		-	10000
Госсипол смоласи ёки нефти шлам		-	5000
Жами:		174000	39000
II. Иссиқлик энергияси харажати:	сўм		
Буғ		8000	8000
Электрэнергия		6000	10000
Сув		4000	4000
Жами:		18000	22000
III. Иш ҳақи ва тўловлар:	сўм		
Иш ҳақи		7000	7000
Иш ҳақи учун ҳисоб китоб		840	840
Жами:		7840	7840
IV. Қўшимча харажатлар	сўм	12000	14000
V. Транспорт харажати	сўм	10000	15000
VI. Бошқа харажатлар	сўм	8000	6000
VII. Ишлаб чиқаришдан ташқари харажатлар	сўм	4000	4000
Харажат нархи	сўм	233840	107840

Демак, Бухоро-Хива минтақаси чўл ҳудуди КҚ ва КТҚ ни мустаҳкамлаш учун ишлаб чиқилган икки босқичли технологиянинг йиллик сарфи йилига 5000 тоннани ташкил этади:

$$\mathcal{E} = [(233840 - 107840) - 0,15 \cdot 50000] \cdot 5000 = 592500000$$

ёки йилига 592,5 млн. сўм.

Шундай қилиб, КҚ ва КТҚ ни мустаҳкамлаш учун ишлаб чиқилган мустаҳкамловчи композицияни олиш технологиясининг йиллик самарадорлиги йилига 592,5 млн. сўмни ташкил этади.

ХУЛОСА

Диссертация ишини бажарилишида қуйидаги асосий илмий ва амалий натижалар олинган:

1. Бухоро-Хива ҳудудидаги кўчма тупроқ ва қумларнинг таркиби, хоссаларининг ўзига хос хусусиятлари аниқланиб, кўчма тупроқ-қумларни бириктирувчи самарали мустаҳкамловчи композициялар таркиби тавсия этилган.

2. Бухоро-Хива ва қуриган Орол денгизи ҳудудлари кўчма қумларининг сув буғи адсорбцияси бўйича солиштирма сирт юзаси (S), тўйиниш ҳажми (a_s) ўрганилди. Бунда Бухоро қумида 14,7 м²/кг; Хоразм қумида 12,9 м²/кг; қуриган Орол денгизи кўчма қумларида 19,2 м²/кг; микроғоваклар ҳажми адсорбция ҳажмига нисбатан Орол қум намуналарида Бухоро қуми-64,7% ва Хоразм қумига 73,33% нисбатан юқори эканлиги асослаб берилди.

3. Бухоро-Хива ҳудуди кўчма тупроқ ва қумларига сувнинг ютилиш кинетикаси ўрганилиб, кўчма тупроққа нисбатан қумнинг сув ютиш тезлиги 2,5 марта кам эканлиги асослаб берилган.

4. Танланган композициялар (СФМ, кимёвий реагентлар, сувда эрувчан саноат чиқиндилари) таъсирида мустаҳкамланган кўчма тупроқ ва қум юзасида ҳосил бўлган юза мустаҳкамлигининг шамол эрозиясига нисбатан турғунлиги, кўчма қум-сув-композиция системаси структура ҳосил қилувчи кўчма қум ва тупроқларга қўшилаётган қўшимчалар яъни гил минераллари, таркибида кальций сақловчи саноат чиқиндилари, ГС ва СФМ ҳисобига ошганлиги асослаб берилган.

5. Қум зарраларининг мустаҳкамловчи қўшимчалар билан ўзаро таъсири механизми ўрнатилди. Бунда $\text{NaCl} + \text{CaCl}_2(\text{CaO} + \text{MgO}) + \text{госсипол қатрони} + \text{полимер тизимининг мустаҳкамлик фаоллигини оширишнинг синергик самарадорлиги кузатилган}$.

6. Биринчи қатлам минерал-органик ўғитлардан, иккинчиси натрий ва кальцийни ўз ичига олган бириктирувчилардан иборат бўлиб, кўчма тупроқ ва қумларда икки қатламли мустаҳкамлашнинг самарадорлиги аниқланган ва тавсия этилган.

7. Ишлаб чиқилган технологиянинг экологик ва иқтисодий самарадорлиги Бухоро-Хива минтақасининг кўчма тупроқ ва қумларида бир қатламли мустаҳкамлаш билан солиштириб изоҳланган.

8. КТҚ ва ҚҚларни мустаҳкамловчиларни олиш технологиясини жорий этишдан олинган иқтисодий самарадорлик 592,5 млн. сўмни ташкил этиши аниқланган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.К/Т.04.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ ТАШКЕТСКОМ ХИМИКО-
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ИНСТИТУТ ОБЩЕЙ И НЕОРГАНИЧЕСКИЙ ХИМИИ

АДИЗОВА НАРГИЗА ЗАМИРОВНА

**РАЗРАБОТКА И ПРИМЕНЕНИЕ ЭФФЕКТИВНЫХ КОМПОЗИЦИЙ
ДЛЯ ЗАКРЕПЛЕНИЯ ПОДВИЖНЫХ ПЕСКОВ И ПОЧВОГРУНТОВ
ПУСТЫНЬ БУХАРА-ХИВИНСКОГО РЕГИОНА**

**11.00.05-Охрана окружающей среды и рациональное
использование природных ресурсов**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.1.PhD/K167.

Диссертация выполнена в институте общей и неорганической химии АН РУз.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-страница Научного совета (www.tkti.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyounet.uz).

Научный руководитель: Кулдашева Шахноза Абдулазизовна
доктор химических наук, доцент

Официальные оппоненты: Кулматов Рашид Анорович
доктор химических наук, профессор
Салиханова Дилноза Саидакбаровна
доктор технических наук, профессор

Ведущая организация: Ташкентский государственный технический университет имени Ислама Каримова


Защита диссертации состоится «14» сентября 2021 года в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.K/T.04.02 при Ташкентском химико-технологическом институте (адрес: 100011, г. Ташкент, Шайхантахурский район, ул.А.Навоий. 32. Тел.: (99871) 244-79-21; Факс: (99871) 244-79-17. e-mail: info@tkti.uz).


Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института за №110 с которой можно ознакомиться в ИРЦ (адрес: 100011, г. Ташкент, Шайхантахурский район, ул.А.Навоий. 32. Тел.: (99871)244-79-21)

Автореферат диссертации разослан «30» августа 2021 года.
(Реестр за № 6 от «30» 08 2021 г.).




X.L. Пулатов
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.х.н., профессор


Ф.Б. Нигматов
Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, PhD, доцент


Р.С. Сафарудинов
Председателя научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во всем мире, включая в Центральной Азии вследствие снижения плодородия почвы появляются экологические проблемы засоления и опустынивания. В результате чего под воздействием ветра в пустынных районах ограничивает возможность использования железнодорожных и автодорожных транспортных средств населения. Поэтому важно создать прочную структуру, защищающую от ветровой и водной эрозии методом химической мелиорации, а затем путем фитомелиорации на поверхности подвижных почвогрунтов (ППГ) и песков (ПП).

В мире для механического, биологического, химического закрепления подвижных песков пустыни при химической мелиорации проводятся научные исследования по созданию состава реагентов-закрепителей, способных противостоять водной и ветровой эрозии, образуя структуру на их поверхности. В связи с этим, выбор легко растворимых водорастворимых поверхностно-активных веществ, образующие твердую структуру поверхности для большой площади; в том числе использование композиций реагентов на основе местных промышленных отходов; необходимо обосновать разработку технологии применения состава закрепляющих реагентов, подобранного в соответствии с параметрами упрочнения подвижных почвогрунтов и песков.

На сегодняшний день в целях укрепления подвижных почвогрунтов и песков пустынных районов страны, включая разработку реагентов, водорастворимых полимеров, поверхностно-активных веществ достигаются определенные научно-практические результаты. В третьем и четвертом направлениях Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы важно «...обеспечение экологической безопасности людей, строительство и модернизация комплексов обращения с отходами, укрепление их материально-технической базы»¹ определены функции. В связи с этим большое экономическое и экологическое значение имеет разработка технологий создания композиций для закрепления подвижных почвогрунтов и песков на основе местных отходов, промышленных отходов и их удобное использование.

Исследование данной диссертации в определенной степени способствует реализации задач, поставленных Указом Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПФ-4947 «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы», от 23 августа 2017 года № ПП-3236 «Программа действий развитие химической промышленности в 2017-2021 гг.», Постановлением Кабинета Министров от 24 декабря 2014 года № 363 «Развитие международного сотрудничества в сфере смягчения последствий.

¹ Указ Президента Республики Узбекистан УП №4947 от 07.02.2017года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

последствия экологических катастроф на Аральском море», а также нормативные акты в этой области.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением части IV. «Охрана и рациональное использование природы».

Степень изученности проблемы. Научные исследования по формированию и применению структур в подвижных песках в присутствии ПАВ, полиэлектролитов, гидрогелей, поликомплексов внесли значительный вклад в его развитие К.С. Ахмедов, Э.А. Арипов, Ф.Л. Глекель, С.С. Хамраев, А.А. Агзамходжаев, У.К. Ахмедов, С.З. Муминов, Б.Н. Хамидов, Г.Р. Нарметова, С.А. Абдурахимов, Ш.А. Кулдашева, И.Д. Эшметов, О.К. Бейсенбаев, Б.Н. Нурыев и другие.

Предложены методы разработки и химического закрепления химических закрепителей (водорастворимые электролиты, ПАВ, полимеры) для высокодисперсных частиц (глина, песок и др.).

В последние годы все больше внимание уделяется исследованиям формирования структурированных твердых поверхностей с использованием армирующих реагентов и их композиций на основе промышленных отходов подвижных засоленных почвогрунтов и песков, а также механизмов их закрепления.

Конечно, стоимость армирующих составов, используемых существующими методами, немного дороже, их водные растворы трудно приготовить и трудно найти. Поэтому выбор эффективных комплексных соединений со свойством упрочнения подвижных засоленных почвогрунтов и песков на основе промышленных отходов и определение их коллоидно-химических свойств, таких как поверхностная прочность, водостойкость, контроль возможности посева семян растений, наблюдение их адаптирования к пустынным местам и разработка технологии нанесения сложных соединений является важной научной и практической задачей.

Связь диссертационного исследования с тематическим планом научно-исследовательских работ. Исследование диссертации выполнено в рамках прикладного проекта Института общей и неорганической химии А-ФА-2019-37 «Создание нового поколения реагентов для предотвращения песчаных и засоленных почвенных бурь на основе отхода Кунградского содового завода» (2019-2021 гг.).

Цель исследования является разработка эффективных композиций для закрепления подвижных почвогрунтов и песков автомобильных дорог Бухара-Хивинского региона.

Задачи исследования:

изучение минералогического, химического и гранулометрического составов подвижных грунтов и песков автомобильной дороги Бухара-Хивинского региона;

разработка состава закрепителя в зависимости от состава и свойств подвижных грунтов и песков с использованием местных глинистых минералов и отходов масложировой и др. производств;

изучение формирования прочной структуры на поверхности подвижных грунтов и песков с использованием разработанного состава закрепителя;

изучение влияния механо-химической диспергации армирующих составов на основе местных глинистых минералов и промышленных отходов;

подбор оптимальных условий получения армирующих составов и их применение в подвижных грунтах и песках Бухаро-Хивинского региона;

разработка упрочняющих составов грунтов и песков на основе местных глинистых минералов и промышленных отходов с помощью механо-химического диспергатора, а также технологии их использования;

разработка мероприятий по улучшению экологической ситуации в Бухаро-Хивинском регионе за счет создания прочной конструкции на поверхности подвижных грунтов и песков;

расчет технико-экономической эффективности внесения составов, разработанных для укрепления грунтов и песков автомобильной дороги Бухара-Хивинского региона.

